

## “АЛПОМИШ” ДОСТОНИДАГИ ЗИНДОН ВОҚЕАСИ ВА ҲАКИМБЕКНИНГ СИНОВЛАРИ

**Соннибоев Олим Нодирович**

*“Самарқанд” газетаси муҳаррири.*

*Самарыанд давлат университети ўзбек филологияси факультети, адабий  
танқид йўналиши магистрати.*

*Тел: +99893-342-42-82*

*E: mail. [sonniboyevolim@mail.com](mailto:sonniboyevolim@mail.com)*

**Аннотация:** Алпомиш” халқ қаҳрамонлик эпоси ҳисобланиб, унда қаҳрамонлик, мардлик, миллатпарварлик, адолат, ўзаро қўшничилик, ватанпарварлик, биродарлик, вафодорлик туйғулари намоён этилган. Мазкур асар минг йиллардан буён вужудга келиб, асрлар давомида халқ баҳшилари, шоирлар томонидан куйга солиниб, такомиллашиб келди. Ўзбекнинг узоқ ўтмиши, расм-руслумлари, ҳаёт тажрибасидан ўтган анъаналари, курашлари, ташвишлари, қувончлари ўзининг бадиий ифодасини топган достонда Алпомишнинг жасорати, Барчиной садоқати, Қоражон, Қалдирғочой каби бир қатор образлар тасвирланган бўлиб, қуйида «Алпомиш» достонидаги асосий образларга тавсиф бериб, бугунги кун ёшлари онгига қандай таъсир қилишига эътибор қаратамиз.

**Калит сўzlари:** вариант, версия, асар структураси, характер, қаҳрамон тасвири, алп, анъанавий тасвир, эпик.

“Алпомиш” достони ўзбек халқи оғзаки ижодининг ёрқин намуналаридан бири саналади. Достонда қадимий туркий халқлар маданияти, анъаналарини ва қаҳрамонлик ғояларини аниқ ва ҳаётий тарзда акс эттирилган. Асарда фақат қаҳрамонлик ва жасорат ғояларигина эмас, балки муҳаббат, садоқат, ирода ва халқпарварлик каби олижаноб қадриятларни ҳам тарғиб қилинган. Достоннинг бош қаҳрамони Ҳакимбек турли хил синовлардан ўтади ва бу жараёнда улкан галабаларга эришиб, ўз халқининг ифтихори ва қаҳрамонига айланади.

“Алпомиш” достонининг бош қаҳрамони, қўнғирот уруғининг умиди ва ишончи бўлган Ҳакимбек халқ қаҳрамони сифатида, ўзининг куч-қудрати ва маънавий дунёси билан барча олий қадриятларни ўзида мужассамлаштиради. У меҳнаткаш халқнинг қаҳрамонлик ва мўжиза салоҳиятларини намоён этган. Ёвузлик ва ёмонликка қарши курашнинг беқиёс намунаси, шу билан бирга, эл-юрга фаравонлиги йўлида ҳалол ва мард бўлиб, аниқ мақсадлар учун курашади. Достонда Алпомишнинг баҳодирлиги, унга хос хусусиятларни терен ва аниқ тасвирлашга алоҳида эътибор берилган. У кимга қарши, нима мақсадда курашишини тўлиқ англайди ва гуноҳсиз ва гуноҳкорни фарқлай олиш қобилиятига эга бўлган чинакам қаҳрамон сифатида намоён бўлади.

Асарда ёрга эришиш учун фақат мардлик ва ҳар қандай душманга қарши жанговар курашнинг муҳимлиги ҳақидаги ғоя яққол қўзга ташланади. Фозил шоир халқнинг бой тажрибаси ва турмушнинг ҳар бир кичик деталларини чуқур тушуниб, уларни аниқ ва ҳаётий тарзда тасвирлайди.

Достондаги асосий қаҳрамоннинг бошига тушган энг катта синовлардан бири Алпомишнинг зиндонга тушишидир. Бу воқеа, фақат Ҳакимбекнинг эмас, балки бутун кўнғирот халқининг бошига оғир ташвишлар келтиради.

Алпомишнинг зиндонга тушиши воқеаси асосан, Сурхайил маston кампирнинг маслаҳатлашув режаси орқали ривожланади. Яъни, Алпомиш ва унинг содик дўсти Қоражоннинг қалмоқлар билан бўлган кескин жангиди, нафақат қалмоқ аскарлари, балки уларнинг алплари ҳам йўқ қилинади. Булар орасида Сурхайил кампирнинг ҳамолти ўғли ҳам бўлиб, улар ҳам жангда ҳалок бўлади.

Кўплаб қалмоқ йигитларининг ўлимига бевосита Алпомиш ва Қоражон сабабчи бўлсада Қалмоқ шохи Тойчихон бу кулфатнинг асосий омили деб Бойсарининг қалмоқлар юрга келиши деб ҳисоблайди.

“Алпомиш” достонининг иккинчи қисми ҳам айнан шу воқеадан бошланади. Тойчихоннинг аскар ва алплари Алпомиш ва Қоражон билан бўлган жангда мағлуб бўлиб, қочиб кетишганидан сўнг Қалмоқ шоҳ душмандан қасд олиш мақсадида катта-кичик амалдорларни (улар орасида Сурхайил маston кампир ҳам бор эди) йиғиб маслаҳат сўрайди.

.....

*Мен айтайн бундай кунда дод-у дод,  
Катта-кичик, турган бунда жамоат,  
Ўйлашайлик, менга беринг маслаҳат,  
Бойсаридан тегди менга касофат,  
Касридан, ўлди қанча азамат,  
Катта-кичик беринг маслаҳат<sup>61</sup>.*

.....

Маслаҳатлашувдан сўнг Бойсарининг барча мол-мулклари тортиб олинади. Унинг ўзини эса бош чўпон қилиб қўяди. Ўзининг аҳволидан ачинган Бойсари кўмак истаб қизи Барчинойга хат жўнатади. Ушбу хат Алпомишнинг етти йиллик зиндонда ётишига асосий сабаблардан бири десак муболаға қилмаган бўламиз. Зиндон билан боғлиқ воқеалар ҳам ана шу ердан бошланади.

Маслаҳатлашувдан сўнг, Бойсарининг барча мол-мулклари тортиб олинади ва унинг оддий одамдек ҳаёт кечиришга мажбур қилинади. Унга энг оғир жазо сифатида, ўзининг қудратли мавқеидан айриб, бош чўпон қилиб қўйилиши ачинарли ҳолатга айланади. Бойсари бу шарафсиз вазиятга тушганидан кейин, ўз аҳволидан ачиниб кўмак сўраш мақсадида қизи Барчинойга хат ёзиб юборади. Ушбу хат Алпомишнинг етти йиллик зиндонда ётишига асосий сабабчилар бири десак муболаға бўлмайди.

Асарда Алпомиш фақат қаҳрамон бўлиб қолмай, аввало инсон эканлигини, унинг инсоний ҳислари ва дилидаги эзгу кечинмалари орқали аниқ кўрсатади. Бу томондан, Алпомишнинг шахсини англаш, у қандай одам эканлигини ўрганиш катта аҳамиятга эга. У томонидан қабул қилинган қарорлар ва шунга монанд ҳаракатларида инсонийлик ва одамийлик ҳислари яққол намоён бўлади. Шахснинг ички дунёси, аниқроқ айтганда, унинг оиласи, халқи ва одамларга бўлган меҳри

<sup>61</sup> Xalq og'zaki ijodi. “Alpomish”. – T.: Zukko kitobxon, 2023 – B.272.

ҳамда фақат ўзи учун эмас, балки ори учун курашиш истаги муҳим инсоний қадриятлар билан боғлиқ.

Ҳакимбек Бойбўрининг ёлғиши ўғли, таҳт вориси сифатида, ўзининг тинчини ўйлаб, амакиси Бойсарини қутқаришга бошмаслиги ҳам мумкин эди. Аммо, Ҳакимбекнинг ғурури ва орияти унинг йўлини белгилай. У ўз тинчлиги ва омонлигини ўйламай, жанговар рух билан, отаси Бойбўрининг қаршилигига қарамасдан Қалмоқ юртига боришга қарор қиласди. Шу тариқа Алпомишининг шахсияти янада тўла шаклланади. Достон давомида, Алпомиши қиёфаси сайқал топиб, нафақат эл ҳурматини қозонган, балки етук инсон, баркамол ва маънавий ҳаётга эга бўлган қаҳрамон сифатида намоён бўлади. Бунинг тасдиғи сифатида достондаги ушбу мисралардан кўриш мумкин:

...

Биз тирик, қалмоқ шундай қиласми,  
Ўз молига ўзи етим бўларми, (*Бойсари назарда тутиляпти*)  
Биз эсонда шундай ишни қиласми,  
Бу иззага одам тоқат қиласми?!<sup>62</sup> (*Алпомишининг сўзи*)

...

Гувоҳи бўлганингиздек, биздай жигарлари тирик бўла туриб, қалмоқ бизнинг оғамизни хўрлашига жим қараб турдими, дейилмоқда. Албатта, бу ҳолатни қаҳрамонликнинг юксак кўриниши деб бемалол айтишимиз мумкин. Чунки, отасининг душман юртида сенга нима бўлади, зиён етказиши мумкин, ўлдириши мумкин каби хавфлардан огоҳ этилишига қарамасдан, у боришга қатъий қарор қиласди. Гарчи ҳаракатидан сўнг, қарама-қаршиликлар ва душманлар билан тўлган жамият ва турмуш Алпомиши билан унинг ёри Барчинойнинг бошига катта кулфатлар солиши, уларга ҳар қадамда баҳт ўрнига мусибат ёпирилишини сезсада, ундаги мардлик ва инсонийлик уни фикридан қайтмасликка ундейди.

Асарда туйғулар ва манфаатлар қарама-қаршилигига кўп дуч келамиз. Мисол учун, Бойбўрининг жон жигари – укаси душман қўлида хору зор бўлиб юрибди. Аммо ота ўзининг ягона ўғли Ҳакимбекни укасини қутқариш учун юборишга қаршилик кўрсатади. Бу вазият Бойбўри учун жуда мураккаб ҳолатни юзага келтиради. Бу ерда, Бойбўрини меҳирсизликда айблаш нотўғри бўларди. унинг ота сифатидаги масъулияти ва жигарлик меҳри ўртасидаги хиссий тортишув, унинг ўз юртининг тақдири ҳақидаги қайғуриш билан қўшилиб кетган. Бойбўрининг дилдан кечирган хис-туйғулари шундаки, у фақат ўз ўғли Ҳакимбекнинг хавфсизлигини ўйлабгина қолмай, балки юртнинг келажагини муҳофаза қилиш ва ўз юртини тинч ва ривожланган ҳолда сақлашни ҳам мақсад қилган.

Шу орада Алпомиши синглиси Қалдирғочнинг эри Бектемир ва қирқ йигит билан Бойсарини излаб йўлга чиқади. Уларни йўлда аламзада айёр Сурхайил маston кампир кутиб олади. Ўзини алпларга Қалмоқ шоҳидан жабирланга жабирдийда сифатида намоён этади.

....

Қалмоқ шоҳи лашкар тортиб келгандир,  
Қабоҳат кунларни менга солгандир,  
Қалмоқшоҳ зулмидан болам ўлгандир,

<sup>62</sup> Xalq og'zaki ijodi. "Alpomish". – T.: Zukko kitobxon, 2023 – B.295.

Қалмоқшоҳим менга азоб бергандир<sup>63</sup>. (Сурхайил кампирнинг сўзи)

....

Сурхайилнинг бундай ҳийла-макрига ишониб, йигитлар унинг меҳмони бўлади. Мехмондорчилик давомида майхўрлик бўлади ва алплар май тасирида хушини йўқотади. Воқеалар ривожида Сурхайл кампир Ҳакимбекни зинданбанд қиласди...

Алпомиш зинданга тушиб, етти йил банди бўлиб ётади. Кўзига жаҳон қоронғу бўлиб кўринган ботир подшоларнинг ишидан шикоят қиласди:

....

Мендан ўтиб кетди ул неча даврон,  
Мен қиларман ўтган ишга пушаймон,  
Пушаймон қилганман ҳеч наф қилмайман,  
Қутилмадим Юсуф каби зинданан.

....

Воқеалар ривожи давом этиб, Алпомишни қутқариш учун унинг дўсти Қоражон келади ипак арқонни зинданга ташлайди. Шунда Алпомиш арқонни белига боғлаб чиқа туриб, ҳаёлига бир гап келади:

*“Бу зиндандан тортиб олиб кетиб қолади, шекилли. Зиндандан чиқариб олиб бораар, элда у маърака-мажлис бўлар, бир тошиб гапириб ўтирган вақтимда, зинданда чириб кетадиган одам эдинг, фалокатдан кутқарган фақир-да, деб бетимга қулгу қилиб юрас”, - орқасини бериб, оёгини тираб турди. Ал Қоражон чирпиниб тортиди, ипак арқон узилиб кетди. Алпомиши тушиб кетди<sup>64</sup>....*

Ушбу ҳолатда "ипак арқон" деталига алоҳида эътибор қаратилган. Бахши бу ерда жун ёки бошқа турдаги арқон эмас, балки аниқ ипак арқонини танланганига ургу беряпти. Биламизки ипак толалари мустаҳкамлиги билан қадрли. Ундан арқон ясалса энди тасаввур қилаверинг. Асарда ушбу деталнинг келтирилиши икки алпининг қай даражада куч-қудратга эга эканлиниги билдиришга хизмат қиласган.

Энди, юқоридаги воқеа орқали айтилаётган фикрни ўз мазмунида чуқурлаштириб қарасак, "Алпомиш" достони аввало қаҳрамонлик эпоси. Бу эпизодда Қоражон Алпомишни зиндандан қутқазса, унинг енгилмас куч-қудратига, сабр-матонатига бўлган ҳурматини маълум даражада йўқотар эди.

Шу ўринда Ҳакимбек Барчиннинг тўрт шартидан бири яъни пойга шартини бажаришда Қоражондан фойдалангандику, деган фикр пайдо бўлиши табиий. Маълумки, Барчин шартларига кўра пойгада қаҳрамоннинг ўзи эмас, балки унинг оти мусобақада енгиб чиқиши керак эди ва пойгада Қоражоннинг қатнашуви у қадар муҳим аҳамиятга эга эмасди.

Асарда яна бир ҳолат Қоражон дўстини зиндандан қутқариш учун йўл босиб келди. Ҳакимбек эса ошкора эмас, пинхона рад этди. Шу ерда Қоражон буни сезиб, ҳафа бўлгандай бир сўз айтади.

....

Хаёлигга Қоражон номард бўлибди,  
Кўнглигга шундай гаплар келибди,  
Ўйлаган шумлигинг бекор бўлибди,  
Бек дўстим, умидим сендан шулмиди<sup>65</sup>?

<sup>63</sup> Xalq og'zaki ijodi. "Alpomish". – T.: Zukko kitobxon, 2023 – B.305.

<sup>64</sup> O'sha asar. – B.357.

<sup>65</sup> Xalq og'zaki ijodi. "Alpomish". – T.: Zukko kitobxon, 2023 – B.359.

....

Қоражон билан Алпомиши шу зайл ўзаро дардлашади, хасратлашиди. Ҳакимбекни қутқаришга қўйиб бериш учун дўсти унга кўп ялинади. Алпомиши рапорти қиласкермагач, Қоражон ҳам мардда марднинг қўнгилидагини тушиниб шундай дейди:

Зиндонда тўрт бўлди Қоражон қўзи,  
Шу бўлди-ку дўстимнинг айтган сўзи,  
Кўзимга суртардим кўрсам бу изи,  
Менга жавоб берди дўстимнинг ўзи.<sup>66</sup>

Дея Қоражон бошидаги қалпоғи билан хасратлашиб, ортга қайтади.

Ушбу ҳолатни мардлик, дўслик ва ҳар бир инсон ичида бўладиган меннинг ўзаро курашув саҳнаси деб олсак бўлади. Боиси бир томонда Ултонтоз бир томонда Тойчихоннинг ўзига зиён етказишини билсада дўстилик бурчини бажариш учун келиб турган бир пайтда Алпомиши бу ҳатти-харакатидан қўнгли ранжимайди, заҳархандалик ҳам қилмайди. Енгилгилгина хасрат билан кифояланиб қўя қолади.

Қоражон ортга қайтиб кетади, Алпомиши эса зиндан деворлари билан дардлашиб қолаверди. Албатта, қаҳрамонни бу тахлит қолдириб бўлмайди. Агар достон шу тариқа тугаса, қаҳрамоннинг қаҳрамонлиги қолмайди. Достоннинг баҳтили якуни учун қаҳрамон олдида ҳали душманларнинг додини бериб, халқини озод этиши турибди. Зиндан эса чуқур.

Қаҳрамон тақдири ечимсиз қолган бир ҳолатда асарда Тойчихоннинг қизи Тавка ойим ва оқ сарка образлари пайдо бўлади. Бу эса асарнинг бурилиш нуқтаси бўлиб хизмат қилади. Яъни Алпомишиннинг зиндан қутилиш воқеалари мана шу ердан бошланади. Қисқа қилиб айтганда, Тавканинг отасининг чўпони (аввал Бойсарининг чўпони эди) Қайқубод Алпомиши ётган зиндан жойлашган Меродтепада қўйларини боқиб юрганда ўйноқи саркаси зинданга йиқилади.

.....

Ёлғиз бўлиб бу оқ сарка айрилиб,  
Бўш тупроқ устига чиқиб кетади,  
Тупроқ устига шундай чиқади,  
Бўш тупроқда ўйин қилиб ётади,  
Гумбурлаб зинданга тушиб кетади.<sup>67</sup>

...

Қайқубод саркани излаб зиндандан топади. Алпомиши билан ўзаро сухбатлашади. Шунда Алпомиши Қайқуботга шу зиндандан ўлмай чиқса уни Тойчихон ўрнига қалмоқ элига подшоҳ, қизи Тавкани эса хотин қилиб олиб беришини ваъда қилади. Кунларнинг бирида Алпомиши Қайқуботдан Товка учун тўланаётган қанилга олган қўйларнинг суюгидан, най ясади. Найнинг ноласини эшитган Тавкойим уни ясаган одамнинг кимлиги билан қизиқиб, Алпомишини топиб келади...

Достонда Қаҳромон шахсияти қаттиқ улуғланган. Буни Алпомишини зиндандан Қоражоннинг, шоҳ қизи Тавкаойимнинг кўмагида эмас, вафотор оти Бойчибор ёрдами билан озод этилганидан ҳам англаш мумкин.

<sup>66</sup> Xalq og'zaki ijodi. "Alpomish". – T.: Zukko kitobxon, 2023 – B.361.

<sup>67</sup> O'sha kitob, B.371.

“Алпомиш” достонидаги зиндан воқеаси ва бош қаҳрамон Ҳакимбекнинг бошдан кечирган синовлари унинг ҳақиқий қаҳрамон сифатида шаклланишида ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Бу воқеалар орқали қаҳрамоннинг иродаси, сабри ва жасорати янада ёрқин намоён бўлади. Зинданда ўтказган йиллар давомида у нафақат оғир жисмоний қийинчиликларга дош беради, балки руҳи ҳам тобланади. Қийноқ ва азобларга қарамай, у иродасини синаб, озодликка бўлган иштиёқини йўқотмайди. Бу жараён унинг юртга, ватанга ва адолатга бўлган садоқатини янада мустаҳкамлайди.

Зиндан мотиви нафақат “Алпомиш” достонига, балки жаҳон эпик меросидаги кўплаб асарларга ҳам хосдир. Эпик қаҳрамоннинг руҳий ва жисмоний тобланиши учун бундай синовлар зарур бўлиб, улар орқали у ҳақиқий етукликка эришади. Ҳакимбек ҳам зинданда ўз жасорат ва сабр-тоқатини қайта кашф этади, бу эса унинг қаҳрамонлик образини янада мустаҳкамлайди.

Шу боис, зиндандаги воқеалар нафақат бир қаҳрамоннинг бошдан кечирган синовлари, балки ҳалқ тафаккуридаги ирова, сабр ва матонат тимсоли сифатида ҳам улкан аҳамиятга эга. Достон орқали жасорат, садоқат ва ватанпарварлик каби эзгу қадриятлар мадҳ этилади. Ушбу жиҳатлар “Алпомиш” достонини нафақат миллий, балки жаҳон эпосининг дурдонаси сифатида қадрлашга асос бўлади.

### **АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:**

1. Алпомиш.2-жилд.Пўлкан шоир ва Эргаш Жуманбулбулўғли.– Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётининг матбаа ижодий уйи, 2013.–Б.275.

2. Алпомиш 2-жилд Берди бахши(Бердиёр Пиримқул ўғли).– Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётининг матбаа ижодий уйи, 2013.–Б.163.

3. Ўзбек ҳалқ қаҳрамонлик достони /Айтувчи: Фозил Йўлдош ўғли, ёзиб оловчи: Махмуд Зарифов/. – Тошкент: Шарқ, 1998. – 400 б.

4. 1956 йил 28 июнда ёзиб олинган Инв: 1254 Ёзиб оловчи: Охунжон СобировНашрга тайёрловчи, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи: Жаббор Эшонқулов.

5. Проф.док.Иброҳим Ҳафас ўғли.Турк миллий маданияти. Истанбул. 1993й.2576